

Иш рақами

Биринчи инстанцияда раислик  
қилган судья - Б.Қурбонов

Апелляция инстанциясида  
маърузачи судья-Д.Мадаминов

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ

2024 йил сентябрь ойининг 30 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Д.Мадаминов,

ҳайъат судьялари: М.Туланов ва Ш.Қурбоновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ҳ.Жўраевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим прокурори Б.Маъруфов, судланган Б.Ё ва унинг ҳимоячиси – адвокат Б.Каримов, жабрланганлар Б.Ж ва И.Хнинг иштирокида, Б.Ёга оид жиноят ишини унинг апелляция шикоятига асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2024 йил 9 июлдаги ҳукмига кўра:

Б.Ё, 20\*\* йил  
\*\* апрелда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек,  
Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта,  
уйланмаган, судланмаган, ишламайди,  
Янги Наманган тумани, “\*\*\*\*\*” МФЙ, \*\*\*\*  
кўчаси, \*\*-уйда яшаган, 2024 йил  
9 январдан қамокда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Судланган Б.Ёдан жабрланганлар И.Хга 295.267.278 сўм, Б.Жга 378.547.793 сўм ва А.Мга 52.996.691 сўм ундириш белгиланган.

Судланган Б.Ё ҳимоячи Б.Каримов билан маслаҳатлашиб, суд мажлисида апелляция шикоятини қайтариб олишини билдириб, шу мазмундаги аризани тақдим этишди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>10</sup>-моддасида, ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ёки протестини, маҳкум ҳимоячи томонидан берилган шикоятни қайтариб олишга ҳақли экани, апелляция шикоятини ёки протестини қайтариб олишга апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар йўл қўйилиши белгиланган.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси иш бўйича тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят ишини апелляция инстанциясида иш юритишдан тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>26</sup>-моддасига амал қилиб, апелляция инстанцияси



## А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2024 йил 9 июлдаги Б.Ёга нисбатан чиқарган ҳукми устидан берилган апелляция шикояти қайтариб олингани сабабли апелляция инстанциясининг иш юритуви тугатилсин.

Раислик қилувчи:

Д.Мадаминов

хайъат судьялари:

М.Туланов

Ш.Қурбонов

